



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 142 (12.703)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЭЗГУЛИК МАСКАНИГА ТАШРИФ

Халқимизнинг имон-эътиқод, меҳр-оқибат, хайру саховат, ода-мийлик, ҳамжихатлик сингари эзгу хислатлари маънавий ҳаётимизни юксалтиришда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада мамлакатимизда виждон эркинлиги, диний бағрикенглик таъмоилларига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг қонуний асосда мустаҳкамлаб қўйилганлигини қайд этиш лозим.

Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари Имом Каримов раҳнамолигида азалий урф-одат ва қадриятларимизни қайта тиклаш, муқаддас динимизни, азиз-авлиё ва уламоларимизнинг бой меросини чуқур ўрганиш, уларнинг қадамжоларини ободонлаштириш, тарихий обидаларни асраб-авайлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Имом Бухорий, Абдуҳалик Фихривоний, Исо Термизий, Баҳоуддин Нақшбандий мажмуалари, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғи-ноний, Ҳазрати Имом қадамжолари каби муқаддас масканларда катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Бугунги кунда бундай обидалар юртимизнинг энг файли ва табарруқ гўшаларига айланди. Шулар қаторида Тошкент Ислам университети ташкил қилиниб, ушбу илм масканида талабаларнинг диний маърифат асосларини чуқур эгаллаши учун зарур шароитлар яратилганини айтиб ўтиш жоиз.

Бундай хайрли ва савобли ишлар бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, пойтахтимизнинг кўҳна Минор мавзесида янги муқтадам масжид биноси барпо қилинмоқда.

Президентимиз Имом Каримов 18 июль кунини ана шу масканда

бўлиб, қурилиш ишлари билан яқиндан танишди.

Шу ўринда айтиш керакки, Юртбошимизнинг ғоя ва тақдирлари асосида яратилган ушбу лойиҳада миллий меъморчилигимизнинг азалий анъана ва услубларидан фойдаланган ҳолда ҳар жиҳатдан бетакрор, муаззам мажмуа барпо этиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари бу ерда моҳир қурувчи ва усталарнинг фаолияти билан танишар экан, амалга оширилган кенг кўламли қурилиш ва ободончилик ишлари ҳақида фикр билдирди, мажмуани янада такомиллаштириш бўйича кўрсатма ва тавсиялар берди.

Ислом Каримов мазкур қадам-жо атрофида олиб борилаётган ободонлаштириш ва кўламли қурилиш ишларини ҳам синчиклаб кўздан кечирди. Ҳар бир дарахт, ҳар қайси майдон, фаввора ва йўлак шаҳарсозликнинг энг юксак талабларига уйғун бўлиши зарурлигини уқтирди.

Ҳозирги вақтда ушбу ҳудуддан оқиб ўтадиган Анҳор ва унинг атрофидаги жойлар ободонлаштирилиб, пойтахт қиёфасига алоҳида кўрк ва чирой бағишламоқда.

Бу ишларнинг барчаси шаҳар аҳолиси ва меҳмонларнинг гўзалликдан баҳра олиб, мазмунли дам олишлари, бир сўз билан айтганда, эл-юртимизнинг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Президентимиз бундай муқаддас жойларда аввало пок ният, соф интилиш билан иш олиб бориш, ҳар бир гиштни қўйишда етти ўлчаб бир кесиш кераклигини, токи биз бунёд этган муқтадам иморатлар асрлар давомида авлодларимизга ҳайрат ва ғурури-ифтихор бағишлаб туриши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

(ЎЗА)

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ УЧРАШУВИ

**Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 18 июль кунини Ўзбекистон ва Япония ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Тадбирда Ўзбекистон ва Япониянинг ташқи иқтисодий алоқалар, банк-молия, савдо-саноат, сармоя, иқтисодиёт, нефть-газ, кимё, энергетика, автомобилсозлик, соғлиқни сақлаш, транспорт ва транспорт коммуникациялари, ахборот технологиялари, қурилиш, фармацевтика, таълим, сайёҳлик, маданият ва спорт каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Элёр Ғаниев Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил февралда Японияга расмий ташрифи икки томонлама муносабатларга янги суръат бағишлаб, стратегик ҳамкорлигини янада фаоллаштиришга хизмат қилмоқда.

Япония Ўзбекистоннинг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан бири. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 2002 йилда имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот руҳида изчил ривожланмоқда. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 215 миллион АҚШ доллари ташкил этди. Япония томонидан Ўзбекистонга киритилган молиявий-техник воситаларнинг умумий ҳажми 2 миллиард доллардан ошди.

Ўзбекистон — Япония иқтисодий муносабатлари савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантиришга оид битимлар каби кўплаб ҳужжатларга асосланади. Ўзбекистонда Япония сармояси иштирокида тузилган ўндан зиёд қўшма корхона, ушбу мамлакатнинг 11 компанияси ваколатхонаси фаолият кўрсатаётди. Улар транспорт, хизмат кўрсатиш, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, машинасозлик ва металл қайта ишлаш, енгил саноат, экспорт-импорт операцияларини ўтказиш, сармоявий лойиҳалар доирасида асбоб-ускуналар етказиб бериш каби йўналишларда иш олиб боради.

(Давоми 2-бетда)

## ҚИСКА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** ОАТ «Туронбанк»нинг Шайхонтохур туман филиалида «Мустақил юрт фар-

зандлари юртимиз келажагидир» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Олмазор туманидаги «Истиқлол» спорт мажмуаси-

да «Футболимиз келажаги» республика турнирининг Тошкент шаҳар босқичи бошланди.

✓ **ЭРТАГА** Сергели туманидаги 322-умумтаълим

мактабида мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан маънавий-маърифий анжуман ўтказилади.



## КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

**Ўзбекистон иқтисодиётида салмоқли улушга эга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутмоқда.**

Президентимиз Имом Каримовнинг ташаббуси билан 2004 йил 7 июлда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси иқтисодиётимиз реал секторига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўрнини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида таркибий бўлимларига, хусусан, 14 ҳудудий бошқарма, 127 ахборот-маслаҳат ва бизнес маркази, 14 ҳакамлик суди, учта тренинг-ресурс маркази ва 21 унитар корхонага эга Савдо-саноат палатаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органилари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда, тадбиркорлар ишончини қозониб, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини тобора мустаҳкамламоқда.

Тадбиркорларга янги корхоналар ташкил этишда кўмаклашиш, ишбилармонлик алоқаларини кенгайтириш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташқи бозорларга чиқариш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш Савдо-саноат палатаси зиммасига юклаган асосий вазифалардан биридир, — дейди Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов. — Палата фаолиятининг дастлабки йилида 210 тадбиркорни ўз сафида бирлаштирган бўлса, бугун уларнинг сони 25 мингдан ошди. Улар орасида нафақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари, балки йирик компаниялар, банк ва суғурта институтлари, лизинг берувчилар ҳам бор.

Корхоналарга замонавий мини-технология ва ускуналар топши ҳамда харид қилишга кўмаклашиш Савдо-саноат палатаси фаолиятидаги муҳим йўналишидир. Шу мақсадда мамлакатимиз тадбиркорларининг хорижга сафарлари ташкил этилмоқда, улар халқаро кўргазма ва бизнес учрашувларида, шунингдек, мамлакатимизда ўтказилаётган кўргазмаларда фаол иштирок этмоқда. 2004 йили 800 тадбиркорлик субъекти иштирокида 10 кўргазма ташкил этилган бўлса, 2013 йил якунида Ўзбекистон, шунингдек, Германия, Хитой, Туркия, АҚШ, Ҳиндистон, Саудия Арабистони, Қозғистон ва бошқа кўплаб мамлакатларда 150 дан зиёд кўргазма ҳамда ярмарка ўтказилди.

Палата томонидан ҳўжалик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини кенгайтиришга кўмак берилган ҳолда, 2013 йилда мамлакатимиз тадбиркорларининг хорижга етмишдан зиёд амалий сафари ташкил қилинди. Утган йили Ўзбекистонда чет эллик тадбиркорлар иштирокида 97 кооперацион биржа ўтказилди. Мамлакатимиз ишбилармон доира вакиллари чет эллик тадбиркорлар билан музокаралар ўтказиб, тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйди, икки томонлама савдо ва инвестициявий ҳамкорлик йўналишларини белгиледи.

Савдо-саноат палатасининг Хитой, Латвия, АҚШ, Италия каби йигирмадан ортиқ давлатда ташкил этилган ваколатхоналари мамлакатимиз тадбиркорлари ва хорижий ишбилармонлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик механизминини соддалаштиришга кўмаклашмоқда. Улар халқаро жамоатчилиқни Ўзбекистонда бизнес юретишининг имконияти ва афзалликлари ҳақида хабардор қилиш бўйича самарали фаолият олиб бормоқда, мамлакатимизга инвестицияларни жалб қилиш, технология ва ускуналар олиб келиш, юртимизда ишлаб чиқарилаётган товарларни жаҳон бозорида тақлиф этишга ёрдам бераётди, ҳамкор мамлакатлар ишбилармон доира вакиллари ишти-

рокида семинарлар, учрашув ва конференциялар ташкил этмоқда.

Савдо-саноат палатаси хорижий давлатлар савдо-саноат палаталари, тадбиркорлар бирлашмалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Тадбиркорлик фаолиятининг турли йўналишлари бўйича амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар бундай ҳамкорликка ёрқин мисол бўла олади. Масалан, Савдо-саноат палатаси ҳузурида фаолият кўрсатаётган Экспертиза ва соф ишлаб чиқариш марказида тадбиркорлар ISO 9000, ISO 14000, «Кайд-ээн» халқаро стандартлари асосида ўқитилмоқда. Германиянинг GIZ халқаро ҳамкорлик жамияти, Федерал иқтисодиёт ва технологиялар вазирлиги билан ҳамкорликда Бошқарув кадрларни тайёрлаш дастури ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ушбу дастур ўзбекистонлик уч юз нафардан зиёд менежерга Германияда малака ошириш имкониятини берди. Бундан ташқари, Швейцариянинг «Berlina AG» лойиҳаси ҳам мамлакатимизда хотин-қизлар учун ўқув марказини ташкил этишга ёрдам берди.

Савдо-саноат палатаси томонидан юртимиз ишбилармонларининг чет эллик шериклар билан ҳамкорлигини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар мамлакатимиз тадбиркорларига экспортга маҳсулот етказиб бериш ҳажмини кенгайтириш имконини бермоқда. 2004 йилда палата 10 корхонага ёрдам кўрсатган бўлса, 2013 йил якунида бўйича мамлакатимизнинг 98 корхонаси Савдо-саноат палатаси кўмагида қиймати 76 миллион долларлик маҳсулотларни экспорт қилди.

2013 йил якунларига қўра, Савдо-саноат палатаси 304 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектига хизмат кўрсатган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 27 мингтаи ташкил этган. Улар палатага турли фаолият йўналишлари — бизнесни ташкил этиш, ривожлантириш ва қайта ташкил қилиш, ташқи бозорларга чиқиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш масалалари бўйича муружаат қилмоқда.

Савдо-саноат палатаси тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор беришмоқда. Палата фаолиятининг дастлабки йилданоқ ҳўжалик судларида бизнес манфаатларини ҳимоя қилиб келмоқда. 2004 йилда палата томонидан 37 даъво аризаси тақдим этилган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 33 мингдан ошди. Жорий йилда Савдо-саноат палатаси ҳузурида ташкил этилган Тадбиркорлик субъектларини текширишни мониторинг қилиш маркази тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш борасидаги наватбадга қадам бўлди. Марказ назорат органилари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг 50 фоиздан ортигини мониторинг қилиб бормоқда.

Савдо-саноат палатаси мутахассисларининг таъкидлашича, 2007 йилда палата ҳузурида ҳакамлик судлари ва уларнинг ҳудудий бўлиmlари ташкил этилиши тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмида бирига айланди. Бугун ишбилармонлар бахтли масалаларни қўриб чиқиш борасида давлат судининг муқобили шаклидан самарали фойдаланмоқда. Негаки, ҳакамлик суди қарори ҳам фуқаролик ёки ҳўжалик суди қарори сингари ҳуқуқий кучга эга. 2013 йил якунларига қўра, ҳакамлик судлари томонидан 668 иш қўриб чиқилган.

(Давоми 2-бетда)



## МАМЛАКАТИМИЗДА

● «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизими бўйича Сирдарёда ўтказилган вилоят босқичида 30 нафардан зиёд истеъдод соҳиби ўз маҳоратини намойиш этди.

● Термиз шаҳрида ҳудудларда ижтимоий шерикликни юксалтириш, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни тайёрлаш, грант маблағларининг мақсадли ишлатилишини таъминлашнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Наманганда Президентимизнинг 2014 йил 19 февралда қабул қилинган «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарори ижросини таъминлаш самарадорлигини оширишга бағишланган республика семинари бўлиб ўтди.

● Қашқадарёда меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликни таъминлаш омиллари ва ҳуқуқий ҳимоясига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Бухоро, Сурхондарё, Самарқанд, Қашқадарё ва Навоий вилоятларидаги корхоналар, қасаба уюшма кўмиталари раҳбар ва ходимлари иштирок этди.

● Сирдарёда «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» республика кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 180 нафар йигит-қиз ўз тақлиф ва лойиҳалари билан қатнашди. Тадбир доирасида ўтказилган ўқув-семинарда тадбиркорлик соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни юритиш, назорат қилувчи органлар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатлар, пул-кредит сиёсати ва бошқа масалалар хусусида сўз юритилди.

## ЖАҲОНДА

● Америка соғлиқни сақлаш тизими қандли диабетнинг 1-ёки 2-тоифасига чалинган беморларни даволаш учун янги инсулиндан фойдаланишга расмий рухсат берди. «Afrezza» деб номланган мазкур дори воситаси ингалятор кўри-нишида бўлиб, тез ва оқорати таъсир кучига эга. Уни юқоратлашни пайтида ва овқатдан кейин қабул қилиш мумкин.

● Жанубий Кореянинг Кванжу шаҳрида ўт ўчириш хизматида тегишли вертолёт қулаб тушди. Натижада уч киши ҳаётдан кўз юмди. Воқеа рўй берган вақтда ҳаво транспортида неча киши бўлгани аниқ эмас. Шу боис тез орада курбонлар сони бўйича янги маълумот эълон қилиниши ҳам мумкин.

● Оксфорд университети муҳандиси Томас Поуви энергия тежовчи кастрюль яратди. Унинг ихтироси анъанавий шундай идишларга қараганда 40 фоиз кам иссиқлик сарфлайди. Бунинг учун Поуви кастрюлни махсус қовурғали қилиб ишлаган. Айнан шу усул унга йўналтирилган иссиқлик беҳуда чиқиб кетишига тўсқинлик қилади.

## КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ва бизнес юритиш амалиётини жорий этиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий шартларини яхшилашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлашда ҳам фаол иштирок этаётганини таъкидлаш ўринлидир. Давлат бошқаруви органлари ва ҳусусий сектор вакиллари ўртасида амалий ҳамада доимий мулоқот ўрнатиш мақсадида қонунчиликни такомиллаштиришга доир тавсияларни биргаликда ишлаб чиқиш механизми яратилди. 2013 йил якунилари бўйича палата 145 мезъ-ёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини экспертизадан ўтказди. Ушбу ҳужжатлар орасида қонунлар, ҳукуматимиз, вазирлик ва идораларнинг қарор ва фармойишлари ҳам бор.

Мамлакатимизда ҳусусий секторни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш натижасида ишбилармонлик муҳити яхшиланди, тадбиркорлар ўзини ишончли ҳис этмоқда. Буларнинг барчаси янги корхоналар сонининг кўпайиши, уларнинг иختисослашувиغا ёрдам бермоқда, инновацион технологияларни ўлаштиришга, экспортга ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқараётган кичик ишлаб чиқариш корхоналари қўлаймоқда. Ҳусусий сектор экспорт бозорига жадал қилиб бормоқда, юқори сифатли тўқимачилик, озиқ-овқат, чарм-пойабзал маҳсулотлари, қурилиш материаллари, меъбел ва бошқа товарларни етказиб бераётди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1996 йилдан буён ўтказиб келинаёт-

ган «Ташаббус» республика кўрик-танло-вида кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркор-лик вакиллари эришаётган ютуқлар кенг намойиш этилмоқда. Аънаёна кўра, Сав-до-саноат палатаси томонидан ташкил эти-лаётган ушбу танлов мамлакатимиз «кичик иқтисодиёти» салоҳиятини намойиш этиш учун энг машҳур экспозиция майдонлари-дан бирига айланди. Тадбир ўтказилгани-дан буён унда 180 мингдан зиёд фермер, хунарманд ва тадбиркор иштирок этди. Утган вақт мобайнида иштирокчилар сони кенгайиб, юқори технологияли маҳсулот-лар ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нафақат етиш-тирадиган, балки қайта ишлайдиган фер-мерлар, халқ амалий санъатининг ноёб на-муналарини тайёрлайдиган моҳир уста ва касиблар пайдо бўлди. Бундан ташқари, қўллаб-таътиркорлар сафига ёш авлод ва-киллари – касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлиари битирувчилари ҳам қўшил-моқда. Мамлакатимизда ҳусусий бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган мазкур кўрик-танлов тадбиркорлик ҳаракатини ри-вожлантириш имконини бераётди.

Савдо-саноат палатаси мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорларга реал вақт режиминда тур-ли хизматлар кўрсатиш жараёнини кучай-тириш мақсадида тадбиркорлик субъектла-ри фаолиятига янги компьютер технология-лари ҳамда дастурий таъминотини жорий эт-моқда. Палата ташкил этилган пайтдан бошлаб, ўзининг www.chamber.uz корпора-тив сайтини ишга туширди ва ушбу сайт йилдан йилга такомиллаштирилмоқда. Айни пайтда тадбиркорликнинг ҳар қандай



субъекти сайтда тақдим этилган интерфаол хизматлардан реал вақт режиминда фойда-ланиши мумкин. Бу ерда «виртуал кўргаз-ма», «савдо майдони», «усуналар каталоги» модуллари ишлаб турибди, тадбиркорлар томонидан кўп бериладиган 150 дан ортиқ саволга батафсил жавоблар қайтарилган. Шунингдек, реал вақт режиминда палата ҳуқуқшунослари билан мулоқот қилиб, улар-дан маслаҳат олиш имконияти ҳам мавжуд. Бундан ташқари, Савдо-саноат палата-си Ягона интерактив давлат хизматлари порталида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатида олиш механизминини жор-ий этишда ҳам бевосита иштирок этди. Яқин вақт ичида порталнинг тегишли бўлимларида Савдо-саноат палатасининг «SMS-to'lov» тўлов тизими, тадбиркорларга бизнесни ташкил қилиш, ривожлантириш ва ўз маҳсулотини экспорт қилиш бўйича

жавоб топишга ёрдам берадиган «Businessinfo.uz» ахборот-маълумотхона портали, «Call-center» ахборот ёрдами, тад-биркорларга ҳуқуқий маслаҳат бериш каби интерактив хизматлар жорий этилади.

Савдо-саноат палатаси «Келажакни бир-галикда курашимиз» широрига риёя этган ҳол-да, бундан буён ҳам тадбиркорларни қўллаб-қувватлайди ва манфаатларини ҳимоя қи-лади. Палатанинг кичик бизнес ва ҳусусий тад-биркорлик корхоналари билан самарали ҳамкорлиги мамлакатимизда бизнес муҳи-ти янада яхшилаш, ички бозорни рақобат-бардор маҳсулотлар билан тўлдирди, янги иш ўринларини ташкил этиш имконини бе-ради. Бу эса, пировард натижада, аҳоли тур-муш даражаси ва фаровонлигини янада юк-салтиришга хизмат қилади.

Меҳрибон МАМЕТОВА,  
ЎЗА мухбири

туман ҳамда шаҳар таҳририятлари ўртасида интернет тармоғи-да ўз вақтида ва сифатли ахборот алмашиш тизимини яратиш лойиҳасининг амалга оширилгани таҳрирлар фаолиятига ах-борот-коммуникация технологияларини жорий этишда муҳим воқеа бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда интернет журналистикаси-нинг жадал ривожланаётгани замон талаби бўлиб, бу юртимиз-да глобал тармок ҳам шиддат билан тараққий этиб бораётга-нидан далолатдир. 2010 йилда миллий домёнда 10 минг веб-сайт рўйхатга олинган бўлса, 2014 йилда уларнинг сони икки баробар кўпайди. Провайдерларнинг техник жиҳозларини босқин-ча босқин модернизация қилиш, интернет трафикни кучайти-риш ва ҳажминини ошириш инноватга олинган ҳолда, аҳолининг глобал тармокдан фойдаланиш шароитлари сезиларли равиш-да такомиллаштирилмоқда.

Бугунги кунда ёшларнинг қизиқишлари ахборот технология-лари ва интернет макони билан чамбарчас боғлиқдир. Улар глобаллашув шароитида ахборот алмашиш соҳасида билим ва кўникмаларга эга бўлиши, замонавий восита ва усуллар, ахбо-рот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, чет тилларни, шахсий маълумотларни ҳимоя қилишнинг асосий услубларини билиши, ишончли ва ҳолис ахборотни салбий ахборотдан ажра-тиши муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, бу борада қўшимча билим ва кўникмаларга эга бўлган бугунги журналист-ларнинг вазифаси мамлакатимизда ва дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида шунчаки ахборот тўплаш ва узатиш эмас, балки уларнинг моҳиятини теран англаган ҳолда кенг жамоат-чиликка етказиб беришдан иборатдир.

Замоннинг шиддат билан ўзгариб бораётгани ва бугунги кунда юзага келаятган тенденциялар йигит-қизлар учун ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш орқали янги имкониятлар яратиш, ахборот соҳасида ёшлар манфаатларини таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган амалий чора-тад-бирларни ҳаётга татбиқ этишни талаб қилмоқда. Ёшларимизни «оммавий маданият»нинг турли салбий кўринишларидан ҳимоя қилиш борасида ҳам изчил чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 6 феврал-даги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёса-тини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарориди медиа соҳасини янада ривожлантириш, жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, интернет журна-листикасини оммалаштиришга йўнал-тирилган қатор чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

– Жорий йил 18-19 сентябрь кўнлари пойтахтимизда «Миллий интернет журналистикасини ри-вожлантиришнинг долзарб маса-лалари» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Ушбу тад-бир ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

– Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жа-моат фонди томонидан манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкор-ликда ташкил этилаётган мазкур илмий-амалий семинар мамла-катимизда онлайн-медиянинг бугунги аҳоли ва уни ривожланти-риш тенденцияларини муҳофама этиш учун ўзига хос платформа-га айланган. Унда илмий ва таълим ҳаммаияти вакиллари, веб-нашрлар журналистлари ва блогерлар, журналистика факультет-лари талабалари ва ташаббускор ёшлар қатнашди.

Семинар интернет журналистикасини ривожлантиришнинг за-монавий тенденцияларини ўрганиш, контент сифатини яхши-лаш ва веб-нашрларда хилма-хил мақолаларни қўлайитириш, интернет оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш, мазкур соҳа учун малакали кадрлар, ёш мутахассислар тайёрлаш бўйича тақ-лифлар ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилмоқда.

Тадбирда «интернет» атмасининг замонавий ахборот жа-миятини ривожлантиришга бевосита таъсир кўрсатадиган ва медианинг янги турларини юзага келтирадиган глобал ахбо-рот майдони сифатида ифода этадиган турли таърифлари қўриб чиқилди. Шунингдек, иштирокчилар ушбу ахборот маконда журналистлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини муҳофа-ма қилиди, миллий ва хорижий тажриба мисолида интернет журналистикасини ривожлантиришнинг асосий тенденцияла-рига аниқлик қиритади, мамлакатимизда ва дунёда амалда қўлланайлаётган қонунчилик ҳамда ҳуқуқий нормаларнинг бугун-ги ҳолатини ўрганади.

Интернет нашрлар ва тармокдаги мақолаларнинг ўзига хос хусусиятлари, фойдаланувчиларнинг эътиборини жалб этиш усул-ларини тушутириш семинарининг асосий йўналишларидан бири бўлади. Тадбир ёш журналистларга интернетда долзарб ахо-ротнинг теъзор ва сифатли узатиш кўникмаларини кенгайтириш, иштирокчиларга интернет нашрларда эълон қилинадиган мақо-лалар сифатини яхшилаш учун зарур билимларга эга бўлиш имконини беради.

Шунингдек, иштирокчилар интернет тармоғида журналист босқа фойдаланувчилардан қандай жиҳатлари билан ажралиб туришини, глобал маконда журналист макорининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, виртуал оммавий ахборот воситала-рини таснифлаш мезонларини қўриб чиқиш, «блог» ва «блогер» тушунчаларига аниқ таъриф бериш, уларнинг «интернет ОАВ» ва «интернет журналист» тушунчаларидан фарқини кўрсатиб бе-ришга ҳаракат қилади.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда интернет журналисти-касини ривожлантиришга қаратилган наватбадга ушбу лойиҳа-нинг амалга оширилиши, шубҳасиз, оммавий ахборот восита-ларининг ушбу тармоғини ривожлантириш учун яна бир имко-ният бўлиб, ахборот алмашишнинг замонавий восита ва усул-ларини эгаллашда журналистларнинг билим ҳамда кўникмала-рини оширишга хизмат қилади.

Сардор ТОЖИЕВ  
суҳбатлашди

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ УЧРАШУВИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Япониялик ҳамкорлар «Кўкдумалок» қонига компрес-сор станциясини ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи-ни қуриш, Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи-ни реконструкция қилиш, Самарқанд, Бухоро ва Ўргач аэро-портларини модернизациялаш каби йирик лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этди.

Бугунги кунда Қарши – Термиз темир йўл тармоғини электрлаштириш, Навоийдаги иссиқлик электр станция-сини кенгайтириш ва Толлимаржон иссиқлик электр стан-циясини модернизация қилиш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда.

– Япония Ўзбекистон билан ҳамкорлиқни ривожланти-ришга алоҳида эътибор билан қарайди, – деди ЎЗА мух-бирига Япония-Ўзбекистон маданий ва иқтисодий алма-шинув кўмитаси раиси, «Sapura Global Holding» компания-си бош ижрочи директори, «Мацумото» жамғармаси раи-си Кэньичи Мацумото. – Япониялик ишбилармонларнинг Ўзбекистон бизнес вакиллари билан ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантиришга қизиқиши катта. Мам-лакатингиздаги қулай сармоявий муҳит ва юқсак иқтисод-дий имкониятлар икки томонлама савдо-иқтисодий риш-таларнинг раванқ топишида муҳим омил бўлмоқда.

Анжуманда сармоявий ҳамкорлиқни янада ривожлан-тириш, табибёт техникаси ишлаб чиқариш, ахборот-ком-муникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорлиқни кен-гайтиришга оид ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар атрофича муҳофама қилинди. Ёқилги-энергетика, кимё сонаоти, логистика, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва меҳмонхона бизнеси каби соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Нодира МАНЗУРОВА

## ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ, ОИЛАЛАР АҲИЛЛИГИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси бошқаруvinинг кенгайтирилган ййғилиши бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва йдора-лар, жамоат ташкилотлари вакиллари, хотин-қизлар кўми-талари, маҳаллалар фаоллари, диний маърифат ва маъна-вий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари иштирок этди.

Кўмитанинг 2014 йил биринчи ярим йилидаги фаоли-я, «Соғлом бола йили» Давлат дастури, мазкур жамоат ташкилотининг ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ижроси атрофича муҳофама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова бошқарган ййғилишда таъкидланганидек, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг роли ва мавқеини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъмин-лаш, уларнинг иқтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий фаол-лигини оширишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси шаклланти-рилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекис-тон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармо-ни аёлларни иқтимоий ҳимоялаш, саломатлигини мустаҳ-камлаш, фаолияти хотин-қизларга оид жамоат ташкилот-лари ишини доимий мувофиқлаштириш бўйича амалий чора-тадбирларни янги босқичга кўтаришда муҳим дасту-руламал бўлаётди.

2014 йилнинг ўтган олти ойи давомида хотин-қизларни иш билан таъминлаш дастурига асосан 228 минг 800 дан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. Бу режалаштирилган-дан анча кўпдир. Иш жойлари ишлаб чиқариш объектла-рини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларини ошириш, кичик бизнес корхоналари ва яқка тадбиркорлиқни ривожлантириш, уй меҳнатининг бар-ча шакллари ташкил қилиш, фермер хўжалиқлари, иш-лаб чиқариш, иқтимоий бозор инфратузилмасини ривож-лантириш ҳисобига яратилди.

Тижорат банклари томонидан барча молиялаш манба-лари ҳисобидан тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги-ни билдирган хотин-қизларга 521,4 миллиард сўм миқдо-рида кредит ажратилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «Банк ва коллеж ҳамкорлиги» лойиҳасининг «Ёшларнинг бизнесдаги биринчи қадами!» деб номланган иккинчи босқичи муваффақиятли ўтказилди. Унга кўра битирувчи ёшларга бошланғич сар-моя ажратилиши бўйича сертификатлар, тижувчилик билан шуғулланиш ниятида бўлган қизларга тижув машиналари тақдим этилди.

Касб-хунар коллежларини бу йил тамомлаган ёшлар-нинг 49 фоизини қизлар ташкил этади. Урта махсус таъ-лим даргоҳларида жамоатчилик ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган махсус штаблар қиз-ларни ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Хотин-қизлар саломатлигини асраш, профилактика чо-раларини қўлайитириш масаласи кўмита фаолиятининг дои-мий эътиборида. Жорий йилнинг январь-май ойларида тур-ли ҳудудлардаги 5 миллион 772 мингдан ортиқ аёл ва салкам 6 миллион бола табибий қўриқдан ўтказилди. Спорт-соғломлаштириш лойиҳаларининг муваффақиятли татбиқ этилиши самарасида жисмоний тарбия билан мунтазам шу-ғулланаётган хотин-қизлар сафи кенгайиб бормоқда.

– Ўтган даврда аёлларнинг тадбиркорликка оид та-шаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг лойиҳалари-ни ҳаётга жорий этишга яқиндан қўмақлаштириш юзасидан кенг қўлмали ишлар амалга оширилди, – дейди ЎЗА мухбирига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Ке-нгаши раиси ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Зухра Иброҳимова. – Бандлик дастури доирасида аёл-лар учун 10 минг 600 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Буларнинг барчаси маҳаллалардаги иқтимоий-маънавий муҳитини соғломлаштириш, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтиришда асо-сий омил бўлмоқда.

Ййғилишда иқтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, тўйлар, турли оилавий тадбирларда исроф-гарчиликка йўл қўймаслик, оила қуришда ёшлар, ота-она-лар масъулиятини қўлайитиришга оид ишларни ташкил этиш-да маслаҳатчиларнинг фаоллигини қўлайитириш, хотин-қиз-лар кўмитаси бошланғич тузилмалари ишининг самара-дорлигини янада ошириш масалалари юзасидан фикр ал-машилди, истиқболдаги режалар белгилан олди.

Назозат УСМОНОВА

Мустақил оммавий ахборот воситаларининг бугунги ривожла-ниш даражаси, уларнинг фуқаролик институтлари тизимида эгал-лаб турган ўрни, мамлакатимизда амалга оширилаётган олам-шумул ўзгаришларни таъминлаш ва ёритишдаги ролининг ку-чайгани миллий медиа соҳада ҳаётга татбиқ этилаётган исло-хотларнинг муҳим натижаларидандир. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агент-ликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Абдуллазиз Абдуллаев ЎЗА мухбирига мам-лакатимизда замонавий медиа-медияни ривожлантириш йўналиш-лари, шунингдек, миллий журналистикани ривожлантириш раг-батлантиришга қаратилган лойиҳалар ҳақида сўзлаб берди.

– Ўзбекистонда нодавлат босма ва электрон оммавий ахо-рот воситалари, теле ва радиоканаллар, иқтисослаштирилган нашрлар сони тобора кўпайиб бормоқда, – дейди А.Абдуллаев. – Масалан, айни пайтда қарийб 1 минг 400 оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 62 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари. Бу ахборот соҳасида мустақил ОАВни ривожлантириш, фуқаролик институтлари тизимида улар-нинг ролинини қўлайитириш, мамлакатимизда амалга оширилаёт-ган сиёсатнинг очик-ошкоралигини таъминлашга қаратилган кенг қўлмали ислохотларнинг ёрқин ифодасидир.

Ихтисослаштирилган марказлар ва ташкилотлар, шу жумла-дан, нодавлат марказ ва ташкилотлар томонидан ўтказилган тизимли мониторинг ва қўллаб-қувватлаш тадқиқотлар шунини кўрс-тадики, бугунги кунда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда ҳамда дунёда рўй бе-раётган воқеа-ҳодисаларни кенг ёрит-моқда, аҳоли тафаккурини шакллан-тириш, ҳуқуқий онги ва маданият да-ражасини юксалтиришда бевосита иштирок этмоқда. Шунингдек, улар фикрлар хилма-хиллигини таъминлаш-га қўмақлашмоқда. Бу эса мамлака-тимизни демократлаштириш ва жа-ҳон ахборот маконига интеграциялаш-тириш шароитида низоҳатда муҳимдир.

– Нодавлат оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатимизда бир қанча жамоат ташкилотлари, шу жумладан, Ўзбекис-тон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахо-рот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожланти-риш жамоат фонди ташкил этилди. Шу ҳақда ҳам батаф-сил сўзлаб берсангиз.

– Фонд ташкил этилганидан буён ўтган вақт давомида мам-лакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини рағбат-лантириш бўйича юзлаб лойиҳа ишлаб чиқилиб, амалга оширил-ди. Бу борада тўққиз юздан зиёд босма ва веб-нашрлар таҳри-риятлари ҳамда тўртта ахборот агентлиги билан фаол ҳамкор-лик йўлга қўйилган. Оммавий ахборот воситалари моддий-тех-ник базасини мустаҳкамлаш, мамлакатимизни демократлашти-риш ва модернизация қилиш жараёнини ёритишда улар иш-тирокини фаоллаштириш учун фонд томонидан юздан ортиқ бос-ма ва интернет-нашрларга грантлар ажратилди.

Жаҳон ахборот маконига миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, аҳолининг фуқаролик позициясини янада қўлайитириш, иқтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётини даражасини ошириш жараёни-да журналистларнинг юқсак малакага эга бўлиши муҳим аҳамия-т касб этади. Пойтахтимиздаги етакчи таҳририятларда ҳудудий босма оммавий ахборот воситалари журналистларининг мала-касини ошириш лойиҳасини бугунги кунда муваффақиятли де-маво этирилаётган лойиҳалардан бири дейиш мумкин. Унинг доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан беш юздан зиёд журналист етакчи нашрларда ўз малакаси ва касб маҳора-тини оширди.

Давлат ва жамяят ҳаётининг иқтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларини ёритишда журналистларни ихтисослаштириш бора-сида ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда. Ўтказилган тадбир-лар доирасида 2 минг 500 нафардан зиёд журналист ошқора-лиқни таъминлаш, фуқаролик жамятини ривожлантириш, жамя-ятимизда хотин-қизлар мавқеини ошириш, маҳалла институти фаолиятини янада юксалтириш, болалар ҳуқуқ ва манфаатлари-ни ҳимоя қилиш, баркамол авлодчи тарбиялаш, кичик бизнес ҳамда ҳусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлан-тириш ва бошқа масалаларга оид қуқур таҳлилий материаллар тайёрлаш бўйича малака оширди.

Ташкилотимиз тадбирларда қатнашган журналистлар билан дои-мий алоқани йўлга қўйган, уларнинг материаллари билан яқин-дан танишмоқда. Ушбу материалларнинг энг яхшилари ҳар йили ўтказиб келинаётган «Эътироф», «Ишон ҳуқуқлари – журналист-лар нигоҳида», «Жамят ва мен» танловлариди иштирок этиш учун танлаб олинмоқда. Ўз малакасини оширган қўллаб оммавий ахборот воситалари вакиллари журналистика соҳасидаги «Олтин қалам», «Энг улуғ, энг азиз», «Йилнинг энг яхши журналисти» ва бошқа республика мукофотлари совриндорлари бўлди.

Ахборот соҳасини ислох этиш ва сўз ҳамда ахборот эркинли-гини таъминлаш бўйича устувор вазифаларни амалга ошириш

мақсадида фонд томонидан ёш журналистлар учун семинар-тренинглр, давра суҳбатлари, ўқув курслари мунтазам ўтказиб келинмоқда. «Ёрқин Қорақалпоғистон», «Андижоннома», «Зараф-шон» (Самарқанд вилояти) ва «Қашқадарё» газеталари таҳрири-ятлари ҳузурида «Журналистика маҳорати марказларини ташкил этиш» лойиҳаси ушбу мақсадларга хизмат қилмоқда.

– Халқаро ҳамкорлик ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз. Жамоат фонди ўз фаолиятида яна қандай истиқболли йўналишларни қамраб олмақда?

– Давлатимиз раҳбарининг шу йил 27 июнда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўлланган табриқидан келиб чиқадиган ахборот соҳасини жадал ислох этишга доир вазифалар инноватга олинган ҳолда, мамлакатимиз медиа-таш-килотларининг жаҳонга машҳур медиа-компаниялар, хорижий ҳамкасблар билан самарали иккиий алоқалар ўрнатиши катта аҳамиятга эгадир. Шу боис Ўзбекистон мустақил босма омма-вий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қув-ватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди халқаро лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. ЕХОТ, ЮНЕСКО, ЮНИ-СЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари, «Минтақавий муло-қот» (Словения) нодавлат ташкилоти ва бошқа ташкилотлар яқин ҳамкорларимиздир.

Мисол учун, ЕХОТ ваколатхонаси билан биргаликда «Давлат бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотлари ахборот хизмат-ларининг салоҳиятини такомиллаштириш» лойиҳасини амалга оширдик. У давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда

фуқаролик жамятини институтлари ахборот хизматларининг сало-ҳиятини юзага чиқариш, ходимлар маҳоратини ошириш, аҳоли-нинг иқтимоий аҳамиятга эга ахборотдан фойдаланишини ях-шилашга қаратилган. Бу борада семинар-тренинг ва давра суҳ-батларини ўтказиш учун нафақат мамлакатимиз экспертлари, балки АҚШ, Франция, Германия, Буюк Британия, Финляндия ва бошқа давлатлардан мутахассислар жалб этилди. Давлат ҳоки-мияти ва бошқаруви органлари, йирик нодавлат нотижорат таш-килотлари ва жамоат ташкилотлари ахборот хизматларининг раҳ-бар ходимлари ўқитилди.

Фондининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудий босма оммавий ахборот воситалари ходимлари ва журналистларнинг ахборот-коммуникация технологияларини соҳасидаги саводхонлигини оши-риш» қўшма лойиҳаси ҳам самарали бўлди. У Германия техник ҳамкорлик жамятининг «Меҳнат бозори талабаларига мўлжал-ланган



Нанкин — 2014

ОЛИМПИАДАДАН  
ҒАЛАБА БИЛАН  
ҚАЙТАМИЗ

Шу йилнинг 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасида II ёзги Олимпия ўйинлари бўлиб ўтасди.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизнинг билим олиши, касб-хунар эгаллаши, ўз иқтидор ва салоҳиятини намоён этиши учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самарасида барча соҳада улкан ютуқларни қўлга киритаётган йигит-қизлар сафи тобора ортиб бормоқда. Ёшларимизнинг спортда эришаётган юксак муваффақиятлари Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрўсини юксалтираётганидан фахрлансак арзийди.

Истиқлол йилларида ўзбек дзюдо мактаби ҳам жаҳонда етакчилар қаторидан жой олди. Юртимизда кўплаб Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қўшма чемпионатлари голиб ва совриндорлари тарбияланмоқда.

Нанкин Олимпиадасида дунёнинг қўли дзюдочиларидан бири сифатида катнашадиган Сухроб Турсунов — ана шундай ёшлардан бири. 1996 йили Сухрондарё вилоятининг Денов шаҳрида туғилган Сухробнинг спортга меҳр қўйишида оиладаги спортга бўлган эътибор алоҳида аҳамият касб этди.

Тажрибали мураббий Лазиз Йўлдошевдан дзюдо сирларини пухта эгаллаган ёш полков вилоят ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда катнашиб, қатор совринли ўринларини эгаллади. 2012 йили Ўзбекистон чемпионатида олтин медалини қўлга киритган Сухроб Турсунов дзюдо бўйича мамлакат ўсмирлар терма жамоасига жалб этилди.

2013 йили ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида ўз вази тоифасида тенгсиз эканини исботлаган Сухроб полков тез орада терма жамоа таркибига ҳам ўзини кўрсатди. АҚШда ўтган жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, ўсмирлар ўртасидаги II ёзги Олимпия ўйинларига йўлланма қўлга киритди. Хитойнинг Хайнань шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Жорий йилда Австрияда ўтказилган Европа очик кубоги бахсларида бронза, Германиянинг Бремен шаҳрида ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган нуфузли турнирда кумуш медал билан тақдирланди. Бу мусобақалар Сухроб учун Нанкин Олимпиадасига ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтади.

Олимпиадага пухта ҳозирлик қўраётган иқтидорли полковимиз терма жамоа мураббийлари Вячеслав Перетейко ва Сергей Муродасилов бошчилигида Германиянинг Бремен шаҳрида ташкил этилган ўқув-машғулот йигинида тажриба ва маҳоратини оширди. Айни пайтда Тошкент вилоятидаги «Ширин булок» спорт базасида ҳамда пойтахтимиздаги дзюдо марказида тайёргарликни давом эттирмоқда.

Ўсмирлар Олимпиадасида иштирок этиб, Ватанимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига муносиб совға тайёрлаш эзгу ораимиздир, — дейди Сухроб. — Президентимиз раҳнамолигида спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибор нуфузли мусобақаларда Ватанимиз байроғини баланд кўтаришишда бизга куч бағишламоқда. Нанкин Олимпиадасидан ҳам ғалаба билан қайтишни ният қилганман.

Байрам АЙТМУРДОВ,  
ЎЗА мухбири



Шундан келиб чиққан ҳолда Олмазор туман истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшма кенгаши томонидан «Соғлом бола йили» давлат дастури ижроси бўйича тизимга қарашли ўттиздан ортиқ корхона ва ташкилотларда спортнинг мини футбол, шахмат-шашка, волейбол, стол тенниси турлари бўйича мусобақалар ўтказилиб келинмоқда. Уларда 500 нафардан ортиқ ходимлар катнашишди. Бошланғич ташкилотлар раислари ташаббуси билан ходимларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун барча шароитлар яратиб берилди.

«Соғлом оила», «Спорт — саломатлик гарови» шиори остида ўтказилаётган барча мусобақалардан корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, спортнинг оммавий турларига қизиқтириш орқали уларнинг меҳнат фаолияти самарадорлигини оширишдек хайрли мақсад кўзланган. Шунингдек, меҳ-

Аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш, яхши дам олишларига шарт-шароитлар яратиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бугунги кунда касба уюшмаларининг асосий вазифалари сирасига киради.

2014 йил — Соғлом бола йили

СПОРТ —  
САЛОМАТЛИК  
ГАРОВИ

наткашларни турли касб касалликларидан спорт ва соғлом турмуш асослари орқали муҳофаза қилиш, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни кундалик турмуш тарзига айлантириш ва шу орқали саломатлигини тиклашга қўмаклашиш ниятида ташкил этилмоқда.

«Соғлом оила» шиори остида ўтказилаётган ушбу мусобақанинг биринчи босқичида корхона, ташкилот ва муассасаларда тузилган ташкилий кўмиталар раҳбарлигида бта ташкилотдан 14 нафар оила спортнинг турта тури бўйича беллашди. Мусобақанинг иккинчи босқичи эса янада кўтаринчилик ва қизгин беллашувлар билан ўтди. Оиласи ғалабасини таъминлашга ҳисса қўшган ҳар бир иштирокчи эсдалик совғалари билан тақдирланди. Барчага яхши кайфият улашган ушбу тадбирлар катнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Лола ИСМАТОВА

СУРАТДА: мусобақалардан лавҳа

Мирзо Улугбек тумани «Баркамол авлод» болалар марказида Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти М.Улугбек Ўқув СТК унитар корхонаси томонидан «Болаликнинг сеҳрли дунёси» деб номланган кўрик-танлов ташкил этилди.

БОЛАЛИКНИНГ СЕҲРЛИ  
ДУНЁСИ

Соғлом бола йилига бағишланган тадбирда Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Ўқув СТК унитар корхонаси вакиллари, спорт мураббийлари, туман «Баркамол авлод» болалар маркази ва тумандаги ёзги оромгоҳларнинг вояга етмаган ёшлари катнашди.

Ёзги оромгоҳларда дам олувчи ёшлар «Ёз — ўтмоқда соз» мавзусида асфальтга расм чизиш, «Ўзбекистон — болалар нигоҳида» мавзусида расмлар кўргазмаси, «Мерган — 2014» спорт мусобақаси ва эркин мавзулар бўйича танловда ўз маҳоратларини кўрсатдилар.

— Юртбошимиз айтганларидек, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънан жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг

бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради, — дейди Ўзбекистон Мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Мирзо Улугбек Ўқув СТК унитар корхонасининг Маънавият, ташкилий оммавий ишлар ва ҳарбий ватанпарвар тарғиботи бўйича бошлиқ ўринбосари Феруза Турдиева. — Ёшларимиз ўзлари чизган расмларида юрти тинч, озод ва обод юрт фарзандлари эканликларини мамнуният билан таърифлашди. Истеъдодли ёшларимиз камол топа-

ётганидан биз, катталар хурсандимиз.

Тадбирда болажонларимиз ўртасида «Пневматик милтиқдан ўқ отиш» тури ва дарст бўйича спорт мусобақаси ўтказилди. Катнашчилар катта қизиқиш билан иштирок этиб, ўз мерганлик маҳоратларини намоён этишди.

Ўтказилган тадбир давомида «Баркамол авлод» болалар маркази ва ёзги оромгоҳлар тарбияланувчилари томонидан эркин мавзуда турли рақс, қўшиқ ва шеърлар ижро этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

## Кўргазмалар

## ЁРУҒ РАНГЛАР УЙҒУНЛИГИ

Тошкент Фотосуратлар уйида таниқли фоторассом Владимир Шлосбергнинг «Франция ўзбек фоторассомлари нигоҳида» номли шахсий кўргазмаси очилди.



тахтининг тимсолини очиб берган. Шунингдек, қаҳрамонимиз ўзининг фотозеъозида фақатгина романтик, ҳиссиётга тўла Париж — орзулар шаҳри эмас, балки ривожланган, замонавий шаҳар эканлигини ўз асарлари орқали акс эттириб берган.

Суратлар икки хил кўринишга эга бўлиб, биринчисида, Парижнинг XX аср охиридаги меъморий ёдгориликлари акс этган бўлса, иккинчи бўлимдаги суратларда, бугунги замонавий кўриниши, мафтункор қиёфаси ўз аксини топган.

Муаллиф 1948 йил 9 февралда Россиянинг Новокузнецкдаги Проньевск шаҳрида таваллуд топган. У 1974 йилда Новосибирск электротехника институтининг «Электрик станциялар» йўналишини тугатган. 1974 йилдан бошлаб, Ўзбекистонга қўчиб келган ва иш фаолиятини давом эттирган. 1981 йилда Москвадаги олий ўқув юртида тасвирий санъат йўналиши бўйича тахсил олган. «Рангасирич» расм» ва «Мураббий-рассом» мутахассисликлари бўйича иккита дипломи эгаллаган.

2008 йилда Тошкент Фотосуратлар уйи қошидаги «Ижодий фотография мактаб-студияси»да тахсил олди. Шунингдек, турли психологик портрет, манзара, натюрморт, репортаж жанрларида самарали фаолият олиб борди. У кўпгина халқаро ва республика танлов, кўргазмалар иштирокчиси ва совриндори, бир қатор шахсий кўргазмалар муаллифи ҳамдир.

Владимир бугунги кунгача мусавирлик соҳида қалам тебратиб мухлислар олқишига сазовор бўлиб келмоқда.

Маъзур кўргазма 30 июлга қадар давом этади.

Хабиба ЙЎЛДОШЕВА  
СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CONTINENTAL ESTATE ADVISORY GROUP» МЧЖ  
танлов асосида ўтказиладиган савдоларига тақлиф этади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва ахборот таҳлил Департаментининг 2014 йил 29 майдаги 06-29-35-сонли Баённомаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти, Зангиота тумани ҳокимлиги «Хусусийлаштиришга қўмаклашиш маркази» давлат корхонасининг 2014 йил 18 июлдаги 127-сонли муҳожаати асосан «Автомобилларга газ тўлдирish компрессор станцияси» қуриш мақсадида қўйида кўрсатилган ер майдонларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи очик танлов савдоларига қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чош-тепа ҚФЙ, «Турган агро» фермер хўжалиги ерларида жойлашган умумий майдони 0.70 га тенг бўлган ер майдони. Бошланғич нархи 5 546 976,00 сўм;
2. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Хонобод ҚФЙ, «Турган агро» фермер хўжалиги ерларида жойлашган умумий майдони 0.70 га тенг бўлган ер майдони. Бошланғич нархи 3 993 710,00 сўм.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш матбуотда эълон қилингандан бошланади ва 2014 йил 21 август соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда катнашиш учун буюртманомга берилишидан олдин танлов ташкилотчиси билан тузилладиган закалат келишувига асосан савдо дўкони ижара ҳуқуқининг бошланғич қиймати 15% миқдорида закалат пулини танлов ташкилотчисининг маъмур билдириш номада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов катнашчиларининг тақлифлари кайд этилган конвертлар Зангиота тумани ҳокимлиги биносида 2014 йилнинг 22 август кун соат 11:00 да очилади. Комиссия томонидан танлов тақлифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голибиди деб топилади ва танлов натижалари тўғрисида маълумотлар газетда эълон қилинади.

Лицензия: ЯР0035.

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилиниги мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

даража иссиқ бўлади.

Ўзидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида

Тошкент шаҳрида кўра, 22 ва 23 июль эр-22 июль кунни ҳаво бир талаб Тошкент шаҳри оз ўзгариб туради, ёгин-об-ҳаво шароити шаҳар гарчилик бўлмайди. Шарқ-ҳаво муҳитида зарарли дан секундида 3-8 метр моддаларнинг сақланиб тезликда шомол эсади. Қошишга имконият яра-Харорат кечаси — тади. Ифлосланиш таг-20-22, кундузи — 37-39 микдори паст бўлади.

Тошкент Оқшони

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 756

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 6568 нусхада босилди. Қозғоз бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроиллов

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.30

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ